



# «O'ZQURILISHMATERIALLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

## ПРЕСС- РЕЛИЗ

2017 йилнинг 20-23 ноябрь кунлари «Ўзқурилишматериаллари» АЖ томонидан Марказий Осиё «Цемент саноати ва бозори» XV Халқаро Конференцияси ўтказилмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» АЖ ва Россия Федерациясининг «БизнесЦем» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган конференцияда дунёнинг саноати тараққий этган 16 мамлакатидан 47 нуфузли компания раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Улар орасида Дунё цемент ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (Буюк Британия), AUMUND, GeoCon GmbH, Refrotelik Cement GmbH, Haver&Boecker, Thyssenkrupp Industrial (Германия), FLSmidth A/S (Дания), FUNDICIONES DEL ESTANDA, S.A. (Испания), INDO CHAINS (Ҳиндистон), PSP Engineering (Чехия), DAL Teknik Makina, FOSROC IDEA (Туркия), Союзцемент, Вселуг ва бошқа..(Россия), FIVES, ITECA SOCADEI (Франция), SVENTA AG (Швецария) компаниялари бор.

Ўзбекистонда еттинчи бор ўтказилаётган ушбу форумда цемент ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 38 маҳаллий компания вакиллари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтлари олимлари, олий ўқув юртлири тадқиқотчилари иштирок этмоқда.

Тадбирда мутахассис ва тадқиқотчиларнинг цемент ишлаб чиқаришга оид янги ишланмалар, ёқилғи ва электр энергиясини тежаган ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтирган ҳолда юқори сифатли цемент тайёрлашга эришиш, маҳсулот тан нархини камайтиришга оид маърузалари тингланади.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад цемент саноатида рўй бераётган ўзгаришлар, соҳада юзага келаётган муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашиш ва умумий келишувларга эришишдан иборат.

Конференция тадбирлари билан бир вақтда дунёга машҳур, йирик компанияларнинг цемент саноати усқуналари, техникалари кўргазмаси ҳам ўтказилади.

Тадбирлар доирасида хорижлик иштирокчиларнинг «Ўзқурилишматериаллари» АЖ таркибидаги цемент ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналарига техник саёҳати кўзда тутилган.

Марказий Осиё «Цемент саноати ва бозори» XV Халқаро Конференцияси 2017 йилнинг 20-23 ноябрь кунлари «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумот учун телефон: 252-20-63